# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 19 июль, № 140 (6070) Шанба


# ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ



Халқимизнинг имон-эътиқод, меҳр-оқибат, хайру саховат, одамийлик, ҳамжиҳатлик сингари эзгу хислатлари маънавий ҳаётимизни юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилганлигини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида азалий урф-одат ва қадриятларимизни қайта тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини ободонлаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий мажмуалари, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом қадамжолари каби муқаддас масканларда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда бундай обидалар юртимизнинг энг файзли ва табаррук гўшаларига айланди. Шулар қаторида Тошкент Ислом университети ташкил қилиниб, ушбу илм масканида талабаларнинг диний маърифат асосларини чуқур эгаллаши учун зарур шароитлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундай хайрли ва савобли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесида янги муҳташам масжид биноси барпо қилинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 18 июль куни ана шу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан яқиндан танишди.

Шу ўринда айтиш керакки, Юртбошимизнинг ғоя ва таклифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг азалий анъана ва услубларидан фойдаланган ҳолда ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда моҳир қурувчи ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ислом Каримов мазкур қадамжо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Ҳар бир дарахт, ҳар қайси майдон, фаввора ва йўлак шаҳарсозликнинг энг юксак талабларига уйғун бўлиши зарурлигини уқтирди.

Ҳозирги вақтда ушбу ҳудуддан оқиб ўтадиган Анҳор ва унинг атрофидаги жойлар ободонлаштирилиб, пойтахт қиёфасига алоҳида кўрк ва чирой бағишламоқда.

Бу ишларнинг барчаси шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг гўзалликдан баҳра олиб, мазмунли дам олишлари, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз бундай муқаддас жойларда аввало пок ният, соф интилиш билан иш олиб бориш, ҳар бир ғиштни қўйишда етти ўлчаб бир кесиш кераклигини, токи биз бунёд этган муҳташам иморатлар асрлар давомида авлодларимизга ҳайрат ва ғурур-ифтихор бағишлаб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА).**

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

*Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 18 июль куни Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

Тадбирда Ўзбекистон ва Япониянинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, кимё, энергетика, автомобилсозлик, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, қурилиш, фармацевтика, таълим, сайёҳлик, маданият ва спорт каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлаб, стратегик ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Япония — Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 215 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молиявий-техник воситаларининг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан ошади.

Ўзбекистон — Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби кўплаб ҳужжатларга асосланади. Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўндан зиёд қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 11 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатаётир.

(Давоми 2-бетда).

# Хотин-қизлар манфаати — доимий эътиборда

*Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Унда қўмитанинг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти, “Соғлом бола йили” Давлат дастури, мазкур жамоат ташкилотининг ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда истиқболдаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.*

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова бошқарган йиғилишда парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, оилавий спортни ривожлантириш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини ошириш борасидаги ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.*

# Муҳим вазифалар белгилаб олинди

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари, тизим таркибига кирувчи таълим муассасалари ҳамда марказлар раҳбарлари иштирок этган мазкур йиғилишда солиқ органларининг жорий йил олти ойлик фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидландики, Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”-ги қарори доирасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида давлат бюджетига белгиланган прогноз 100,2 фоиз бажарилиб, ўтган 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 115,1 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ҳам тўлиқ бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

# ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАСИ

*Давлатимиз энг буюк неъмат — мустақилликни қўлга киритгач, у ҳаётимизнинг маъно-мазмуни ва тафаккуримизни тубдан ўзгартирди. Юртдошларимизда янгича яшаш ва меҳнат қилиш иштиёқи кучайдики, натижада Истиқлолнинг ҳар бир йилида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритаяпмиз. Бу эса, ўз навбатида, жонажон Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳратини дунё узра янада кенгроқ ёйиш, иқтисодий қудратини ошириш, одамларнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилаётир. Президентимиз ташаббуси билан биз учун мутлақо янги тармоқ бўлган автомобилсозлик саноатига асос солингани эса том маънода халқимиз орзу-интилишларининг рўёби, таъбир жоиз бўлса, мустақилликнинг улкан мўъжизаси бўлди.*

Дарҳақиқат, Асака шаҳрида жойлашган ушбу замонавий завод бугунги кунда бутун мамлакатимизнинг ғурури ва ифтихори, саноатимизнинг етакчи корхонасига айланган. Зеро, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки Ҳамдўстлик давлатлари ичида ягона бўлган “GM Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамияти бунёдкор халқимиз куч-қудрати, ақл-заковати, ғайрат-шижоатининг ёрқин намунасидир.




Корхона қурилиши бошланган кезларданоқ, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилгани, айниқса, завод фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уни хорижлик мутахассислар билан елка-ма-елка ишлаб, энг замонавий технологияларни бемалол бошқара оладиган маҳаллий кадрлар билан таъминлаш имконини берди. Уларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига завод конвейеридан “Damas”, “Nexia”, “Tico” русумидаги илк ўзбек енгил машиналари чиқа бошлади. Бу автоуловлар замон талаблари ва халқаро андозаларга тўла жавоб бериши, яъни ҳар томонлама қулай, ихчам, илғор дизайн ва техник афзалликларга эгалиги туфайли тезда автомобиль шинавандаларининг эътиборини жалб эта олди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу воқеа, аввалambор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир.

**Халқаро экспертларнинг эътироф этишларича, юртимизда**

**600** та макротехнологияларни ўзлаштиришни талаб этадиган автомобилсозлик саноати жуда қисқа фурсатларда муваффақиятли йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг 2014 йил биринчи ярмидаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.*

# Олий хўжалик суди Раёсат йиғилиши

Таъкидланганидек, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шуларга мос равишда иқтисодиёт тармоқлари ва кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ қилинаётир. Хўжалик судларининг ушбу даврдаги фаолиятида бевосита шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян ютуқлар қўлга киритилди.

Ярим йиллик якунига кўра, хўжалик судларига келиб тушган 121 мингдан ортиқ ариза ва даъво аризалари кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, жумладан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 13 мингдан зиёд иш кўрилиб, улар фойдасига 128,9 миллиард сўмлик маблағни ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган. Тадбиркорларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун қулайлик яратиш мақсадида эса 35 мингдан ортиқ хўжалик ишлари бевосита жойларда, яъни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

(Давоми 2-бетда).

# Юксак муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдевори

*Эътибор ва рағбат бор жойда инсон ўз олдига қатъий мақсадлар қўйиб, унга эришиш йўлида астойдил интилади, изланади. Сидқидилдан қилинган меҳнат эса бесамар кетмайди. Ҳаётнинг бу оддий ҳақиқати кўп бор исботини топган. Бунга мисоллар ҳам, далиллар ҳам етарли. Ўрни келганда, улардан бирини алоҳида тилга олиб ўтсак. Чунки у биз сўз юритмоқчи бўлган мавзуга бевосита дахлдор.*

ФАХР

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз ёш шахматчи Рустам Қосимжоновнинг илк ютуқларини эътироф этиб, унга замонавий компьютер совға қилганини барчамиз яхши эслаймиз. Ана шу рағбат кейинчалик қанчадан-қанча муваффақиятларга, кўплаб қувончли дамларга пойдевор бўлдики, улар мисолида биз ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг аҳамияти, моҳиятини янада теранроқ англаб етдик. Ғамхўрликдан руҳланган Рустам билим ва маҳоратини оширишга ҳаракат қилди. Шунга яраша спортдаги натижалари ҳам мустаҳкамланиб бораверди. Жумладан, Халқаро шахмат федерациясининг 1997 йилда бўлиб ўтган конгрессида унга халқаро гроссмейстер унвони берилди. Аҳамиятлиси, Рустам бу мавқега 18 ёшгача эришган жаҳондаги беш нафар шахматчидан бири саналади.

2004 йили Ўзбекистон тарихида яна бир ёрқин воқеа кузатилди. Дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар шахматчи иштирок этган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов ғолибликни қўлга киритди. Унинг ана шу улкан муваффақияти муносабати билан Президентимиз йўллаган табрикда шундай жумлалар бор: “Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало, ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир”.

Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан, Рустам Қосимжонов “Амир Темур” ордени билан мукофотланди.

(Давоми 4-бетда).

# ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жаҳон тажрибасидан маълумки, автомобилсозлик соҳасида битта иш ўрни очилиши бошқа тармоқларда унинг сони 7 тадан 15 тагача кўпайишига замин ҳозирлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Асакага бамисоли узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган бу корхона саноат тармоқларининг жадал ривожланиши, аҳоли бандлигининг таъминланиши, турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилаяпти, десак, муболаға бўлмайди. Сабаби, кейинги йилларда заводга бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, локбўёқ ва бошқа маҳсулотлар етказиб берувчи ўнлаб корхоналар ташкил этилиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришилди. Пировардида корхона йил сайин ривожланиб, шунга мос равишда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораётир. Агар завод иш бошлаган 1996 йилда 25,3 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич орадан бир йил ўтиб, 64,3 мингтага, 2013 йилда эса 246 минг 330 тага етказилди. Мустақиллик байрамимизнинг қутлуғ 23 йиллиги нишонланадиган амалдаги йилда бу борадаги натижалар янада ортиши муқаррар.

Бугун ўзимизда ишлаб чиқарилган автоулов кириб бормаган хонадон, маҳалла, қишлоқ деярли қолмади. Айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг елдек учқур автомобилларимиз билан таъминланиш даражаси ўсиб бораяпти. Исботми? Айтайлик, 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 41 тадан ошди. Ташқи кўриниши, ички безаги, мустаҳкамлиги, тежамкорлиги ва хавфсизлиги билан аллақачон автоишқибозларнинг меҳрини қозонган бу машиналар халқимизнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда.

Ўзбек автомобилларининг жаҳон миқёсида довруғи ошишида ҳалқаро автотранспорт ишлаб чиқарувчилар ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлмиш “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда автомобилларимиз ўндан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинаётир.

Автомобилларимизнинг ташқи бозорда харидоргирлиги таъминланишида, айтиш жоизки, ишлаб чиқариш тубдан модернизация қилиниб, янги русумлар ўзлаштирилаётгани ҳам муҳим омил бўлаётир. Хусусан, жорий йилнинг январь ойида “GM Uzbekistan”да ялпи модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Яъни 14 та линия ва дастгоҳ тўлиқ янгиланиб, мавжуд цехлар мукаммал таъмирдан чиқарилди, ишчи-ходимларнинг меҳнат шароитлари янада яхшиланди.

— Ўтган йили амалга оширилган “Gentra” лойиҳаси ташқи бозор географиясини кенгайтиришда муҳим қадам бўлди, — дейди “GM Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича бошқарувчи директори Козимжон Акбаров. — “Lacetti” асосида яратилган мазкур янги модификация ҳозирги пайтда ташқи бозорларда энг харидоргир автомобиллардан бири саналади.

Фан-техника шиддат билан ривожланиб бораётгани, ўз навбатида, автомобилсозлик саноатига ҳам унинг илғор ютуқларини татбиқ қилишни тақозо этмоқда. Ташқи бозор талаби ҳам шундай. Булар инобатга олинган ҳолда, жамият автомобилларига “Эра Глонасс” тизимини жорий қилиш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

— Мазкур тизим сунъий йўлдошга уланиши туфайли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган вақтда тегишли қутқарув хизматларини зудлик билан огоҳлантириш имконини беради, — дейди жамият муҳандислик маҳсулотлари бошқармасининг бўлим бошлиғи Нўъмонжон Аташев. — Бундай тизим 2015 йилдан бошлаб ишлаб чиқариладиган ҳар бир машинага ўрнатилиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги “2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат потенциалини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори эса автомобилсозлигимиз ривожида навбатдаги ёрқин саҳифани очиб берди. Гап шундаки, ушбу ҳужжатда Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида “Damas” ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона бунёд этиш вазифаси белгилаб берилган бўлиб, бу жараёнда “GM Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамияти мутахассислари фаол иштирок этдилар.

— Икки босқичли мазкур лойиҳанинг дастлабкиси жорий йилнинг биринчи чорагида бажарилиши мўлжалланган эди, — дейди “GM Uzbekistan” ёпиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасанбой Қосимов. — Унга кўра, Аскадаги корхонадан “Damas” линияси демонтаж қилиниб, Хоразмга кўчирилди. Қурилиш-монтаж ишларида мутахассисларимиз яқиндан ёрдам бердилар. Қолаверса, янги корхона учун танлаб олинган ишчи-ходимлар Асакада ўқитилиб, амалий кўникмага эга бўлишди. Бу босқич жорий йилнинг февраль ойида муваффақиятли якунланди ва Хоразмда “Damas” автомобилларини йиғиш йўлга қўйилди. Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, оилавий минивэн дея эътироф этилган “Orlando” автомобили ҳам заводнинг Хоразм филиалида кенг узелли йиғиш технологияси асосида ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳанинг навбатдаги босқичида пайвандлаш ва бўёқлаш линиялари кўчирилиши режалаштирилган.

Юқорида қайд этганимиздек, йил сайин тараққий этиб бораётган ўзбек автомобилсозлиги чин маънода Истиқлол яратган мўъжизадир. Ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жалб этилаётгани, модернизациялаш тадбирлари изчил олиб борилаётгани заводнинг салкам 8 минг нафар кишилик жамоасини янги-янги марралар сари руҳлантираяпти. Натижада Мустақилликнинг ҳар бир йилида халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, қулай, хавфсиз, ишончли ва тежамкор машиналарнинг янги русумларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш эзгу анъана тусини олаётир. Бу, ўз навбатида, ватандошларимизга, хорижлик дўстларимизга олам-олам шодлик улашмоқда. Зеро, Президентимиз айтганидек, “...бу замонавий корхона одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини уйғотиб юборгани биз учун алоҳида аҳамиятга эга”.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.



### АВТОСОЛНОМАДАН САТРЛАР

| | |
|---|---|
| 1996 йил | — "Damas", "Tico" ва "Nexia" русумидаги биринчи ўзбек енгил автомобиллари ишлаб чиқарилди. |
| 2001 йил | — "Matiz" русуми ўзлаштирилди. |
| 2002 йил | — DOHC двигатели билан "Nexia" йиғила бошланди. |
| 2003 йил | — "Lacetti" тайёрлаш йўлга қўйилди. |
| 2004 йил | — харидорларга "Matiz Best" етказиб бериладиган бўлди. |
| 2006 йил | — "Damas B150" ишлаб чиқарила бошланди. |
| 2007 йил | — бир йўла "Tacuma", "Epica" ва "Captiva" русумидаги автомобилларни йиғишга киришилди. |
| 2008 йил | — "Nexia N150" русуми, шунингдек, "Lacetti" серияли ишлаб чиқарила бошланди. |
| 2010 йил | — автоишқибозларга "Spark" тақдим этилди. |
| 2011 йил | — такомиллаштирилган "Chevrolet Captiva"ни йиғишга киришилди. |
| 2012 йил | — автосаноатчиларнинг бу галги туҳфаси "Chevrolet Malibu" ҳамда "Chevrolet Cobalt" русумлари бўлди. |
| 2013 йил | — "GM Uzbekistan" машиналари "Gentra" (Lacetti II) русуми билан бойиди. |
| 2014 йил | — бу сафар ўзлаштирилган янги русум "Chevrolet Orlando" деб номланди. |





# Хотин-қизлар манфаати — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бунда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳисобот даврида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимли равишда олиб борилаётгани қайд этилди. Чунончи, жорий йилнинг олти ойи давомида хотин-қизлар учун 228 минг 800 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Уларнинг аксарияти янги ишлаб чиқариш иншоотларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил қилиш ҳисобидан яратилгани эътиборга молик.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки, Банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларида тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, уларнинг иқтисодий билимини ошириш, иқтидорини қўллаб-қувватлаш мақсадида туркум семинарлар ўтказилди.

Касб-ҳунар коллежларини бу йил тамомлаган ёшларнинг 49 фоизини қизлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, айни вақтда уларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, пировардида оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўрта махсус таълим даргоҳларида жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган махсус штаблар қизларни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўз навбатида, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга жорий йилнинг январь — июнь ойларида республика тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан 521,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Қўмитанинг қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳалари чекка ҳудудлардаги аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида лойиҳа доирасида 160 нафардан зиёд қишлоқ аёллари билан суҳбат ва учрашувлар ўтказилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сир-асрорлари ўргатилди. Натижада 71 нафар аёлнинг бизнес-режаси тасдиқланиб, уларга имтиёзли кредит ажратилди.

Ҳисобот даврида яна бир муҳим масала — аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар соғлиғини асраш, уларни ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш юзасидан белгиланган вазифалар ижроси қизғин муҳокама қилинди. Бу борада олиб борилаётган ишлар самараси қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, гўдакларнинг турли нуқсонлар билан туғилишининг камайишида қўл келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида турли ҳудудлардаги 5 миллион 772 мингдан ортиқ аёл ва салкам 6 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Қизларни спортга жалб этиш, оилавий спортни ривожлантириш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар туфайли жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётган хотин-қизлар сафи ҳам кенгаймоқда.

Бироқ олиб борилган таҳлиллар бу йўналишда янада самарали фаолият юритиш лозимлигини тақозо этади. Яъни қўмита фаоллари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида маҳаллаларда олиб борилаётган “Жиноятчилик профилактикаси”, “Саломатлик”, “Таълим-тарбия”, “Бандлик”, “Оилаларга кириш” каби бешта сектор ишини янада жонлантириш, бунда жамоатчилик вакилларини кенг жалб этиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тўйларни ихчам ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, фарзандни соғлом ва баркамол вояга етказишда ота-оналар масъулиятини кучайтириш, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда хотин-қизлар қўмитаси тузилмаларининг ишини самарали ташкил этиш юзасидан қизғин фикр алмашилди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Муҳим вазифалар белгилаб олинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар самарадорлиги Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари мисолида танқидий муҳокама қилиниб, III чоракни муваффақиятли якунлаш борасида чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузилишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги комплекс чора-тадбирларнинг натижалари, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида етарли эмас, деб баҳоланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган ишларнинг натижалари муҳокама қилиниб, ижросини таъминлаш юзасидан ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари ҳамда Солиқ кодексига кўра берилган солиқ имтиёзларидан узоқ муддат фойдаланаётган юридик шахслар ихтиёрида қолдирилган маблағлар ҳисобига солиқ солиш базасининг кенгайиши ҳамда солиқ тушумларининг таҳлили тўғрисидаги масала юзасидан Тошкент, Хоразм вилоятларида амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари хусусида вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ ҳисоботлари тўлиқ электрон кўринишда тақдим этилишини таъминлаш, корхоналарнинг раҳбарлари, бухгалтерларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларга ҳисоботларини электрон кўринишда топширишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларда ташкил этилган 548 та Ахборот-ресурс марказида самарадорликни ошириш бўйича ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Мазкур йўналишдаги ишларни ҳам янги босқичга кўтариш борасида аниқ топшириқлар берилди.

Тадбирда марказий аппарат таркибий тузилмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг 3 нафари фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 23 нафарига нисбатан эса тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилиш сўнгида давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган долзарб вазифаларни сифатли бажариш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Давлат солиқ қўмитаси**
**Ахборот хизмати.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради.

Япониялик ҳамкорлар “Кўкдумалоқ” конида компрессор станциясини ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизациялаш каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

Бугунги кунда Қарши — Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навоийдаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Япония Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Япония — Ўзбекистон маданий ва иқтисодий алмашинув қўмитаси раиси, “Sacura Global Holding” компанияси бош ижрочи директори, “Мацумото” жамғармаси раиси Кэнъичи Мацумото. — Япониялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон бизнес вакиллари билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга қизиқиши катта. Мамлакатингиздаги қулай сармоявий муҳит ва юксак иқтисодий имкониятлар икки томонлама савдо-иқтисодий ришталарнинг равнақ топишида муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, тиббиёт техникаси ишлаб чиқариш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ёқилғи-энергетика, кимё саноати, логистика, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва меҳмонхона бизнеси каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Олий хўжалик суди Раёсат йиғилиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, бу даврда хўжалик судларига келиб тушган тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги аризаларнинг 189 тасини текшириш чоғида аниқланган камчиликлар бартараф қилинди. Яъни бундай аризалардаги важлар ўз тасдиғини топмагани, назорат қилувчи органлар томонидан текшириш тартиб-қоидалари бузилгани ва бошқа сабаблар асосида даъволар рад этилиб, тадбиркорлар қонуний манфаатлари суд йўли билан ҳимоя қилинди.

Тадбирда хўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилишининг бориши ҳам батафсил муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, Олий хўжалик судининг расмий веб-сайтида даъво ариза ва илтимосномаларни электрон қабул қилиш ҳамда суд ҳужжатлари, бошқа хат-хабарларни ишда иштирок этувчи шахсларга электрон версияда юбориш тизимининг йўлга қўйилгани амалда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бу даврда хўжалик судларига электрон шаклда юборилган мурожаатлар сони ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 11 баравар кўпайиб, 20 мингдан ошган. Бу эса 2014 йилнинг ўтган олти ойида хўжалик судларига келган даъво аризалари ва аризаларнинг 15 фоизи электрон шаклда жўнатилганлигини билдиради. Айни пайтда суд муҳокамаси иштирокчиларига 29 мингга яқин хабар ҳамда суд ҳужжатлари судлар томонидан электрон воситалари орқали юборилган.

Олий хўжалик судининг расмий веб-сайти тубдан модернизация қилиниб, замонавий талаблар асосида такомиллаштирилди ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиладиган “Электрон кутубхона” дастурий таъминоти ишга туширилди. Эътиборли жиҳати, “Электрон кутубхона”да тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятлари давомида кенг фойдаланадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари, суд амалиёти умумлашмалари, суд ҳужжатлари, улар намуналари ва бошқа ҳуқуқий адабиётлар доимий равишда жойлаштириб келинмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб хўжалик судларида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тизими ишга тушади. Бу эса судда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари вакилларининг вақти ва маблағларини тежаб, ўз ҳудудидан чиқмасдан туриб, бошқа ҳудуддаги суд мажлисида қатнашиш имконини бериши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Қолаверса, тизим жойлардаги фуқаролар, хусусан, тадбиркорлар учун Олий хўжалик суди раҳбариятининг шахсий қабулларини ташкил этишда қўл келади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Раёсат йиғилишида видеоконференцалоқа тизимини жорий этиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати таҳлил қилинди, ушбу тизимнинг узлуксиз ва тўлақонли ишлашини таъминлаш юзасидан вазифалар белгиланди. Хусусан, бугун видеоконференцалоқа тизими учун зарур бўлган жиҳозлар ва техник воситаларни белгиланган вақтда суд мажлиси залларига ўрнатиш ва ишга тушириш, ушбу янги тизим орқали суд мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш, судья ва суд ходимларининг бу борадаги билим ва малакасини ошириш ҳамда мазкур тизим афзалликлари ва имкониятларини кенг тарғиб этиш айни заруратдир.

Раёсат йиғилишида судда ишларни вақтида кўриш, суд ҳужжатларини тарафларга белгиланган муддатларда жўнатиш, шунингдек, суд таъсирчанлиги, ҳуқуқий тарғибот, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, хўжалик судларида ишларни ташкил этиш борасида йўл қўйилган камчиликлар кўриб чиқилди ҳамда уларни бартараф этиш, судья ва суд ходимлари масъулиятини янада ошириш юзасидан аниқ чоралар белгилаб олинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бельгия: “New Europe” газетасида чоп этилган “Ўзбекистон ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ишга туширмоқда” мақоласида юртимизда соҳада эришилаётган ютуқлар эътироф этилган.

IPOTEKA BANK

# «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки

**«Яхши совға» ютуқли омонати бўйича 2014 йил 12 июлда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг**

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудуд номи | Банк филиали номи | Жамғарма касса рақами | Омонатчи ҳисобварағининг тартиб рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 2 594 252,04 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-12 |
| 2. | 1 513 313,67 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | 03-ЖК | 20606911-6 |
| 3. | 1 513 313,67 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-8 |
| 4. | 1 513 313,67 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-12 |
| 5. | 778 275,61 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-48 |
| 6. | 778 275,61 | Тошкент шаҳри | Ҳамза | 06-ЖК | 20606911-2 |
| 7. | 778 275,61 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-21 |
| 8. | 778 275,61 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-3 |
| 9. | 778 275,61 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-47 |
| 10. | 778 275,61 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-32 |
| 11. | 778 275,61 | Навоий вилояти | Навоий | 06-ЖК | 20606911-14 |
| 12. | 778 275,61 | Наманган вилояти | Наманган | 07-ЖК | 20606911-2 |
| 13. | 778 275,61 | Сурхондарё вилояти | Сурхондарё | 01-ЖК | 20606911-4 |
| 14. | 778 275,61 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-60 |
| 15. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 07-ЖК | 20606911- 1 |
| 16. | 432 375,34 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-49 |
| 17. | 432 375,34 | Сирдарё вилояти | Сирдарё | 01-ЖК | 20606911-152 |
| 18. | 432 375,34 | Навоий вилояти | Зарафшон | 04-ЖК | 20606911-10 |
| 19. | 432 375,34 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | 31-ЖК | 20606911-5 |
| 20. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-50 |
| 21. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Сергели | 01-ЖК | 20606910-25 |
| 22. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Ҳамза | 06-ЖК | 20606911-4 |
| 23. | 432 375,34 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-36 |
| 24. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 04-ЖК | 20606911-1 |
| 25. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-32 |
| 26. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-74 |
| 27. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Юнусобод | 01-ЖК | 20606911-9 |
| 28. | 432 375,34 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-33 |
| 29. | 432 375,34 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-59 |
| 30. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-21 |
| 31. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Юнусобод | 20-ЖК | 20606911-1 |
| 32. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Олмазор | 06-ЖК | 20606911-2 |
| 33. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Сергели | 01-ЖК | 20606910-13 |
| 34. | 389 137,81 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606911-30 |
| 35. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-71 |
| 36. | 389 137,81 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-20 |
| 37. | 389 137,81 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-29 |
| 38. | 389 137,81 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қорақалпоғистон | 07-ЖК | 20606911-3 |
| 39. | 389 137,81 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-54 |
| 40. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Олмазор | 11-ЖК | 20606911-8 |
| 41. | 389 137,81 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-7 |
| 42. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 07-ЖК | 20606911- 2 |
| 43. | 389 137,81 | Наманган вилояти | Наманган | 01-ЖК | 20606911-18 |
| 44. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-14 |
| 45. | 389 137,81 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-50 |
| 46. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-45 |
| 47. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 06-ЖК | 20606911-1 |
| 48. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-52 |
| 49. | 389 137,81 | Тошкент шаҳри | Ҳамза | 06-ЖК | 20606911-7 |
| 50. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Сергели | 16-ЖК | 20606910-13 |
| 51. | 324 281,50 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-8 |
| 52. | 324 281,50 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-82 |
| 53. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-4 |
| 54. | 324 281,50 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-62 |
| 55. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-16 |
| 56. | 324 281,50 | Тошкент вилояти | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-6 |
| 57. | 324 281,50 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606911-40 |
| 58. | 324 281,50 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-15 |
| 59. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-7 |
| 60. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 14-ЖК | 20606911-4 |
| 61. | 324 281,50 | Тошкент вилояти | Чиноз | 01-ЖК | 20606911-2 |
| 62. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-10 |
| 63. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 07-ЖК | 20606911- 4 |
| 64. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 23-ЖК | 20606911- 1 |
| 65. | 324 281,50 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-17 |
| 66. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-124 |
| 67. | 324 281,50 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-3 |
| 68. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-40 |
| 69. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Юнусобод | 01-ЖК | 20606911-15 |
| 70. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 08-ЖК | 20606911-3 |
| 71. | 283 746,32 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-29 |
| 72. | 283 746,32 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | 31-ЖК | 20606911-2 |
| 73. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Сергели | 12-ЖК | 20606910-2 |
| 74. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Олмазор | 10-ЖК | 20606911-1 |
| 75. | 283 746,32 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-53 |
| 76. | 283 746,32 | Хоразм вилояти | Хоразм | 08-ЖК | 20606911-4 |
| 77. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Юнусобод | 18-ЖК | 20606911-2 |
| 78. | 283 746,32 | Хоразм вилояти | Хоразм | 08-ЖК | 20606911-12 |
| 79. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-40 |
| 80. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-25 |
| 81. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-49 |
| 82. | 283 746,32 | Тошкент вилояти | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-35 |
| 83. | 283 746,32 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-82 |
| 84. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-2 |
| 85. | 259 425,20 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-39 |
| 86. | 259 425,20 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-52 |
| 87. | 259 425,20 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-67 |
| 88. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 12-ЖК | 20606911-1 |
| 89. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-12 |
| 90. | 259 425,20 | Самарқанд вилояти | Кўксарой | 01-ЖК | 20606911-7 |
| 91. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-20 |
| 92. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Бекобод | 01-ЖК | 20606911-2 |
| 93. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | 03-ЖК | 20606911-24 |
| 94. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 32-ЖК | 20606911-3 |
| 95. | 259 425,20 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606911-16 |

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудуд номи | Банк филиали номи | Жамғарма касса рақами | Омонатчи ҳисобварағининг тартиб рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 96. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Бекобод | 06-ЖК | 20606911-5 |
| 97. | 259 425,20 | Жиззах вилояти | Жиззах | 05-ЖК | 20606911-12 |
| 98. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-6 |
| 99. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-23 |
| 100. | 259 425,20 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-53 |
| 101. | 259 425,20 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-79 |
| 102. | 259 425,20 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606911-28 |
| 103. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-36 |
| 104. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-24 |
| 105. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-12 |
| 106. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-79 |
| 107. | 259 425,20 | Андижон вилояти | Андижон | 01-ЖК | 20606911-3 |
| 108. | 259 425,20 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606911-20 |
| 109. | 259 425,20 | Хоразм вилояти | Хоразм | 08-ЖК | 20606911-8 |
| 110. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-27 |
| 111. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | 03-ЖК | 20606911-18 |
| 112. | 259 425,20 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | 09-ЖК | 20606911-1 |
| 113. | 259 425,20 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-67 |
| 114. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Олмазор | 11-ЖК | 20606911-19 |
| 115. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-58 |
| 116. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 13-ЖК | 20606911- 11 |
| 117. | 243 211,13 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-36 |
| 118. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 17-ЖК | 20606911-3 |
| 119. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-31 |
| 120. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-20 |
| 121. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-4 |
| 122. | 243 211,13 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-10 |
| 123. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-21 |
| 124. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-12 |
| 125. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-26 |
| 126. | 243 211,13 | Тошкент вилояти | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-27 |
| 127. | 243 211,13 | Наманган вилояти | Наманган | 01-ЖК | 20606911-15 |
| 128. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-26 |
| 129. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Олмазор | 03-ЖК | 20606911-5 |
| 130. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-59 |
| 131. | 243 211,13 | Сирдарё вилояти | Сирдарё | 01-ЖК | 20606911-19 |
| 132. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-12 |
| 133. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-9 |
| 134. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-29 |
| 135. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 13-ЖК | 20606911- 5 |
| 136. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-15 |
| 137. | 243 211,13 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 30-ЖК | 20606911- 3 |
| 138. | 243 211,13 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | 01-ЖК | 20606911-4 |
| 139. | 243 211,13 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606911-60 |
| 140. | 243 211,13 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606911-37 |
| 141. | 243 211,13 | Фарғона вилояти | Фарғона | 02-ЖК | 20606911-7 |
| 142. | 243 211,13 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-57 |
| 143. | 243 211,13 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-22 |
| 144. | 243 211,13 | Тошкент вилояти | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-19 |
| 145. | 243 211,13 | Наманган вилояти | Наманган | 07-ЖК | 20606911-22 |
| 146. | 216 187,67 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-1 |
| 147. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 30-ЖК | 20606911- 4 |
| 148. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Сергели | 01-ЖК | 20606910-10 |
| 149. | 216 187,67 | Навоий вилояти | Зарафшон | 04-ЖК | 20606911-11 |
| 150. | 216 187,67 | Сирдарё вилояти | Сирдарё | 01-ЖК | 20606911-13 |
| 151. | 216 187,67 | Хоразм вилояти | Тинчлик | 03-ЖК | 20606911-2 |
| 152. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-20 |
| 153. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-37 |
| 154. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Сергели | 09-ЖК | 20606910-3 |
| 155. | 216 187,67 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-77 |
| 156. | 216 187,67 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-3 |
| 157. | 216 187,67 | Навоий вилояти | Зарафшон | 04-ЖК | 20606911-01 |
| 158. | 216 187,67 | Тошкент вилояти | Бекобод | 12-ЖК | 20606911-4 |
| 159. | 216 187,67 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қорақалпоғистон | 07-ЖК | 20606911-10 |
| 160. | 216 187,67 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-10 |
| 161. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-7 |
| 162. | 216 187,67 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606911-14 |
| 163. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 11-ЖК | 20606911-1 |
| 164. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 02-ЖК | 20606911-1 |
| 165. | 216 187,67 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606911-28 |
| 166. | 216 187,67 | Тошкент вилояти | Бекобод | 13-ЖК | 20606911-3 |
| 167. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 17-ЖК | 20606911-1 |
| 168. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Сергели | 01-ЖК | 20606910-17 |
| 169. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-38 |
| 170. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-6 |
| 171. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 37-ЖК | 20606911-1 |
| 172. | 216 187,67 | Тошкент вилояти | Бекобод | 01-ЖК | 20606911-5 |
| 173. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-115 |
| 174. | 216 187,67 | Тошкент вилояти | Бекобод | 01-ЖК | 20606911-4 |
| 175. | 216 187,67 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | 03-ЖК | 20606911-8 |
| 176. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-99 |
| 177. | 216 187,67 | Сурхондарё вилояти | Сурхондарё | 01-ЖК | 20606911-8 |
| 178. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Олмазор | 12-ЖК | 20606911-1 |
| 179. | 216 187,67 | Сирдарё вилояти | Сирдарё | 01-ЖК | 20606911-10 |
| 180. | 216 187,67 | Тошкент вилояти | Бекобод | 06-ЖК | 20606911-6 |
| 181. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606911-22 |
| 182. | 216 187,67 | Наманган вилояти | Наманган | 01-ЖК | 20606911-5 |
| 183. | 216 187,67 | Навоий вилояти | Навоий | 06-ЖК | 20606911-9 |
| 184. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | 20-ЖК | 20606911-9 |
| 185. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Амалиёт бошқармаси | 01-ЖК | 20606911-80 |
| 186. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Миробод | 03-ЖК | 20606911-36 |
| 187. | 216 187,67 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606911-4 |
| 188. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | 01-ЖК | 20606911-25 |
| 189. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | 07-ЖК | 20606911- 3 |
| 190. | 216 187,67 | Тошкент шаҳри | Сергели | 16-ЖК | 20606910-3 |

*** Изоҳ: «Яхши совға» ютуқли омонати бўйича ютуқ соҳиблари ютуқларини олишлари учун «Ипотека-банк»нинг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда олишлари мумкин.**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-89-17, 150-89-57.**

1092A/463

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

RMM 20 YOSHDA

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан ЖИБ Кармана тумани судининг 2014 йил 21 февралдаги 1-259-сонли ижро варақасига асосан, «Бобур Навоий» ХКдан хатланган, Кармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 10000 кв.м., фойдаланиш майдони 8254,23 кв.м. бўлган, А, Б, В-литерлардаги иссиқхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 941 383 980 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 6 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.**
**Телефон: (8-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

1098R/1453

Хизматлар лицензияланган.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

RMM 20 YOSHDA

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган, «Samarqand» ОАТБга тегишли, қурилиш ости майдони 1647,32 кв.м. бўлган маданият уйи, клуб ва гараж бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 361 357 496 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 54-уйда жойлашган, «Samarqand» ОАТБга тегишли, қурилиш ости майдони 248 кв.м., фойдаланиш майдони 402,88 кв.м. бўлган маиший хизмат уйи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 234 663 460 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 20 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 18 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй.**
**Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

1094R/1453

Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 19 июндаги 118 (6048)-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдосига қўйилган «Real Gold Invest» МЧЖнинг кўчмас мулклари савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади.

***Асос:*** «Real Gold Invest» МЧЖнинг 2014 йил 11 июлдаги 3-сонли хати.

1096R/1453

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти

**Фароғат РАҲМАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Жаҳон 24 соат ичида: Оксфорд университети муҳандиси Томас Поуви одатий идишлардан 40 фоиз кам энергия сарфлайдиган кастрюль яратди. Бунинг учун у идишни махсус қовурғали қилиб ишлаган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Юксак муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдеври

Бу йил ҳамюртимизнинг жаҳон шахмат тожини кийганига роппа-роса ўн йил тўлди. Агар “ақл гимнастикаси” сирларини эндигина ўргана бошлаган қайсидир бир боладан “Кимга ҳавас қиласан?” деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмасдан “Рустам Қосимжоновга” дея жавоб беради, унга ўхшаб жаҳон чемпиони бўлмоқчи эканлигини айтади. Спортчининг эришган ютуқлари мана шу жиҳатдан ҳам жамиятга катта наф келтиради. Ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзи кенг қарор топишига катта туртки беради.

Чемпионимизга чин дилдан ҳавас қилиб, шахмат оламида муносиб ном қозонишга интилаётган ака-ука Жавоҳир ва Исломбек Синдоровларнинг бугунгача эришган ютуқлари ҳам кўпчиликка ўрнак бўларли.

Жавоҳир тўрт ярим ёшидан “ақл гимнастикаси” билан шуғулланади. У халқаро майдондаги илк ғалабасига 2012 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида эришган. 7 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида блиц-турнирда олтин, классик шахмат бўйича эса кумуш медалга сазовор бўлган. 2013 йили Эронда 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ташкил этилган қитъа биринчилигидан эса кумуш медаль билан қайтган. Унинг укаси Исломбек ҳам ноёб қобилият эгаси эканлигини барчага намойиш этаяпти. 2012 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган қитъа биринчилигида 5 ёшгача шахматчилар ўртасида иккинчи ўринни эгаллаган Исломбек Эрон давлати мезбонлик қилган Осиё чемпионатида бир йўла учта олтин медални қўлга киритди.

Жавоҳир ва Исломбек яқинда Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида иштирок этган Исломбек Синдоров рапид бўйича тўққиз турнинг барчасида ғалаба қозонди, блиц-турнирда саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионатининг иккита олтин медалига сазовор бўлди. Жавоҳир Синдоров эса тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳар икки йўналишда ҳам мағлубиятсиз дона суриб, тўққиз имкониятдан саккиз очко жамғарди ва у ҳам иккита олтин медални қўлга киритди.



> Жаҳон чемпионати ғолиблари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизори берилди.

— Фарзанд камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Улар ортидан яхши гап, олқиш эшитиш эса кишига ўзгача руҳ бағишлайди, — дейди чемпионларнинг отаси Санжарбек Синдоров. — Ўғилларимнинг ғалабалари, аввало, истиқлолимиз шарофати, Президентимиз раҳнамолигида ёшлар тарбиясига қаратилаётган юксак эътибор самарасидир. Очиғи, бир пайтлар бундай ютуқларга эришишни ким тасаввур эта оларди, дейсиз?! Ҳеч ким. Халқаро мусобақаларда қатнашиш имконияти бўлмагани боис қанчадан-қанча истеъдодларимиз юзага чиқмай қолиб кетган. Мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгач, вакилларимиз Осиё, жаҳон чемпионатлари, энг нуфузли халқаро турнирларда маҳоратларини намойиш этишмоқда. Бундан ҳар биримиз фахрланамиз.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг қадри, аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Мана бу рақамларга бир эътибор беринг-а: собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда атиги бир нафар халқаро гроссмейстер бор эди. Бугун эса уларнинг сони 14 нафарга етган. Шунингдек, 11 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, қарийб 40 нафар FIDE устаси, 123 нафар Ўзбекистон спорт устаси ва 1500 нафарга яқин спорт усталигига номзод шахматчиларимиз турли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишаяпти. Улар орасида ҳали мактаб, лицей ва коллежларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ҳам борлиги қувонарлидир. Биргина мисол, Нодирбек Абдусатторов 5 ёшида спорт усталигига номзод бўлиб, ўзига хос рекорд ўрнатган бўлса, 8 ёшида ана шу рекордини яна ўзи янгилади — FIDE устаси бўлди! Илгарилари бу тушимизга ҳам кирмас эди.

Ёки иқтидорли спортчимиз Нафиса Мўминованинг Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб FIDEнинг халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлганини айтмайсизми?! Хўш, бу ютуқлар қаердан келди?! Албатта, осмондан тушгани йўқ. Барчаси мустақиллик йилларида ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор меваларидир.

Биласиз, Нафисанинг эришган муваффақияти муносабати билан Юртбошимиз унга ҳам замонавий компьютер совға қилган. Спортчи учун бу жудаям катта эътибор ва рағбат ҳисобланади. Уни янги марралар сари чорлайди. Энг муҳими, бундай унутилмас воқеалар, юқорида айтганимиздек, эндигина вояга етаётган ўғил-қизлар қалбида ҳавас уйғотиб, уларни ҳам спорт оламига етаклайди.

Умуман, бугунги кунда юртимизда номи дунёга машҳур шахматчилар жуда кўп. Жумладан, Антон Филиппов, Марат Жумаев, Андрей Квон, Алексей Барсов, Саидали Йўлдошев, Жаҳонгир Воҳидов, Жўрабек Ҳамроқулов, Сарвиноз Қурбонбоева, Нодира Нодиржонова, Ирина Геворкян, Ҳулкар Тоҳиржонова, Севара Боймуродова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Юлдуз Ҳамроқулова каби маҳоратли шахматчиларимиз доимо нуфузли халқаро мусобақаларда энг юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Энди бир тасаввур қилиб кўринг. Айни пайтда FIDEга 173 давлат шахмат федерацияси аъзо. Дунёда қарийб 500 миллион киши “ақл гимнастикаси” билан шуғулланади. Қаердадир мусобақа ташкил қилинса, шубҳасиз, шунча одам орасидан энг саралари қатнашиш учун боради. Бундай катта рақобат шароитида ғолиб чиқишнинг ўзи осон эмас. Шу боис ҳам ҳамюртларимизнинг ҳар бир ютуғи ёрқин воқеа сифатида қабул қилишга лойиқ.

Халқаро шахмат федерацияси жаҳон чемпионатлари, шахмат олимпиадалари ҳамда турнирларини ўтказиш орқали ушбу спорт турини янада оммалаштиришга интилмоқда. 1966 йилдан бошлаб 20 июлнинг (1924 йилнинг 20 июлида FIDEга асос солинган) “Халқаро шахмат куни” сифатида нишонланиб келиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Мамлакатимизда ҳам мазкур сана муносабати билан турли мусобақалар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, ёзги дам олиш масканларида шахмат тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда маҳоратини оширган ўғил-қизларимиз “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари, шунингдек, “Камолот” шахмат тахтаси”, “Тошкент қиши”, “Тошкент оупен” турнирлари, ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги республика чемпионатларида янада тобланишади. Ўзига хос бундай ноёб тизим халқаро мусобақаларда юртимиз вакиллари эришаётган ютуқларда муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда.



Мухтасар айтганда, мамлакатимизда шахмат жадал суръатлар билан ривожланиб бораяпти. Мазкур спорт турини янада оммавийлаштириш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Биз эса шахматчиларимиздан янгидан-янги зафарлар кутиб қолаверамиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

## Спорт

*7 — 18 июль кунлари Жанубий Кореянинг Кёнжу шаҳрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича “Корея оупен — 2014” халқаро турнири бўлиб ўтди.*

«КОРЕЯ ОУПЕН — 2014»

### Маҳоратларини намойиш этишди

Унда 70 дан ортиқ мамлакатнинг икки минг нафардан зиёд спортчиси иштирок этди. Жумладан, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган таэквондочиларимиз истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб, 5 та олтин, 3 та кумуш ва 8 та бронза — жами 16 та медалга сазовор бўлишди.

Таэквондо “Пумсе” бўйича баҳсларда қатнашган Мавлонжон Рустамов ва Нодираҳон Шермуҳамедова ғолибликка эришди. Ушбу йўналишда Мафтуна Толибова кумуш, Баҳодир Аловхонов бронза медални қўлга киритди. Жамоавий беллашувларда эса Зафарбек Сатторов, Баҳодир Аловхонов ҳамда Машрабжон Бозорбоев учинчи ўринни эгаллади.

Кадетлар ўртасида ҳамюртларимиздан Мадина Рўзиева кумуш, Ирода Миртожиева, Абдураҳмон Зокиржонов ва Олег Тай бронза медали билан тақдирланди.

Катталар мусобақасида маҳоратли спортчиларимиздан Никита Рафалович иккинчи ҳамда Наталья Маматова учинчи натижани қайд этди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда саккиз нафар ҳамюртимиз совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Улардан Ниёз Пўлатов, Саидолим Нўмонов, Шаҳбоз Шофайзиев ўз вазн тоифасида олтин медалларни қўлга киритган бўлса, Давлатжон Давронов ва Нигора Турсунқулова бронза медалига эгалик қилди.

### Жаҳон чемпионатидаги ажойиб ғалаба

*Алмати шаҳрида яккакураш спорт турлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида йигирмадан зиёд давлатнинг уч минг нафарга яқин вакили миллий яккакураш спорт турларини намойиш этди.*

ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ

Мусобақада ўзбек жанг санъати усталари ҳам қатнашди ва яккалик, жамоавий баҳслар ва кўргазмали чиқиш бўйича 27 та олтин, 8 та кумуш ва 6 та бронза медалини қўлга киритди. Хусусан, Жонибек Абдураҳмонов, Ҳасан Дўстбоев, Достон Сатторов, Шерзод Қурбонов, Шаҳбоз Ўктамов, Даврон Солиев, Жасурбек Холмуродов, Ҳожиакбар Абдураҳмонов, Азиз Абдураимов, Шаҳзод Абдураззоқов, Моҳигул Йўлдошева, Гулруҳ Султонова каби спортчиларимизнинг қобилияти мухлису мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Пойтахтимизда шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва уларни жаҳонга танитиш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида ўзбек жанг санъати тобора оммалашиб, унинг халқаро миқёсдаги нуфузи ортиб бораяпти.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, мазкур спорт тури вакиллари бунга қадар АҚШ, Франция, Италия, Испания, Литва ва Жанубий Корея каби давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишган.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## ИЗЛАНИШ

*Ўтган йили Оҳангарон туманининг Овжазсой қишлоғида топилган улкан жонивор қолдиқларини қадимшунос олим ва мутахассислар жануб мамонтларига мансуб, деб тахмин қилишган эди.*

### Ноёб топилма сири

Тошкентдаги Геология музейида сақланаётган мазкур ноёб топилма устида олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида у чиндан ҳам мамонтлар ўтмишдошлари — архидискодонларга тегишли экани тасдиқланди.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Геология музейи геолог-палеонтологлари томонидан топилманинг айнан қайси даврларга оидлигини аниқлаш устида иш олиб борилмоқда. Дастлабки хулосаларга кўра, унинг ёши тахминан 1,2-1,8 миллион йилга тенг бўлиши мумкин.

— Илмий тадқиқотлар баробарида, топилмани имкон қадар асл ҳолига келтириш ва яхши сақланиши учун махсус ишлов беришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди музей директори Аҳмаджон Аҳмедшоев. — Барча ишлар якунига етгач, у музей экспозициясидан жой олади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


*Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнесга қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароит туфайли мазкур соҳа қисқа давр ичида ички бозорни керакли товар ва хизматлар билан тўлдириш, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашда асосий куч сифатида шаклланди. Бунда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган сифатли ва тезкор хизматлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, улар томонидан ажратилаётган сармоялар тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш имконини бераётир.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Тадбиркорликка йўналтирилаётган сармоялар

## юртимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

*Дарҳақиқат, бугунги кунда молия муассасалари кичик бизнесга йўналтираётган маблағлар ҳажмини кўпайтириш, ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар бериш, кредит олиш аризаларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш пайидан бўлмоқда. Натижада улар бир вақтнинг ўзида фаол кредитлаш ва замонавий банк хизматлари кўрсатиш йўли билан ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда фаол қатнашиб, давлат, соҳавий ва ҳудудий дастурлар таркибига кирадиган лойиҳалар бўйича инвестициявий кредитларни ўз вақтида тақдим этишга эришмоқда. Бунга мамлакатимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки эришаётган ютуқлар ҳам яққол мисол бўла олади.*

*Мазкур банк томонидан миллий иқтисодиётни замонавийлаштириш шароитларида кредитлашнинг энг истиқболли ва самарали йўналишларидан бири — микромолиялаштиришни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бундан, айниқса, ҳунармандчилик, савдо, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул бўлган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари кенг фойдаланишмоқда.*

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган сармоялар ҳажми ортиб бораётгани “Ўзмиллийбанк”нинг молиявий ҳолати барқарорлигидан далолатдир. Бу эса халқаро рейтинг агентликлари томонидан алоҳида эътироф этилаётир.*

*Гап шундаки, Миллий банкка «Moody’s Investors Service» ҳамда «Standard and Poor’s» халқаро агентликлари томонидан барча рейтинглар бўйича “барқарор” прогнози берилган бўлиб, уни ишонч билан сақлаб турибди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ривожланиш стратегиясининг тўғри танланганлигини яна бир карра тасдиқлайди.*

**Марк ШВАРЦ, Тошкент шаҳридаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги «MARMAKS» қўшма корхонаси раҳбари:**

— Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилгани тадбиркорлик ҳаракатини жадал суръатларда тараққий эттириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаяпти. Биз ҳам бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янги турдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бунда “Ўзмиллийбанк”нинг молиявий кўмаги қўл келди, албатта.

Гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари ва зарур хом ашё сотиб олиш мақсадида банкнинг Бектемир филиалига мурожаат қилган эдик. Таклиф ва техник-иқтисодий асосномамиз қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, 2 миллиард сўм миқдорида кредит берилди.

Ушбу маблағ эвазига замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатилгач, ишлаб чиқариш ҳажми ортиши баробарида, ярим дудланган ва қайнатилган колбаса ҳамда бошқа турдаги гўшт маҳсулотлари тайёрлана бошланди. Муҳими, 10 та иш ўрни яратилди.

Технологик янгиланишлар туфайли корхонамизда жорий йилнинг биринчи ярмида қиймати 5 миллиард 667,2 миллион сўмлик 2 миллион 562,7 минг тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. Бу эса аҳоли дастурхонига янги ва сифатли маҳсулотлар тортиқ қилиш имконини берди.

Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларни иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бунда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан “Ўзмиллийбанк” томонидан изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани туфайли муайян ютуқларга эришилмоқда.

**Лобар ИСЛОМОВА, Тошкент вилоятидаги “Ilk Qadam Omad” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Президентимиз томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар биз, аёлларни янада фаол бўлиб, иқтидоримизни тўла намоён этишга руҳлантирмоқда. Натижада тадбиркорликка қўл уриб, юқори натижаларга эришаётган опа-сингилларимиз сафи кун сайин кенгаймоқда. Мен ҳам улар қаторида эканлигимдан доимо ғурурланаман.

Бугунги кунда чорвачилик билан шуғулланиб, юртимиз аҳолиси ва фермер хўжаликларига қорамоллар етказиб бераяпмиз. Яқинда фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида “Ўзмиллийбанк”нинг Тошкент вилояти бўлимига мурожаат қилган эдик. Бизнес-режамиз қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 200 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблаққа 100 бош қорамол сотиб олдик.

Келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаб, экспорт қилишни режалаштираяпмиз. Бунинг учун яна ушбу ҳамкор банкнинг молиявий хизматларидан фойдаланамиз.




Мухтасар айтганда, “Ўзмиллийбанк” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, мижозларининг ишончли ҳамкори ва молиявий мададкори бўлиш учун бундан кейин ҳам астойдил ҳаракат қилаверади. Зеро, банк сармоялари аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, пировардида оилалар фаровонлигини юксалтириш каби эзгу мақсад-муддаолар рўёбига хизмат қилмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**


WWW.XS.UZ

**Кегейли** туманида маданият ва аҳоли дам олиш маркази ишга туширилди. Шу муносабат билан бу ерда “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним” шиори остида маданий тадбир ўтказилди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ғ. Қамаров.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5